*Ҳосил-95* *Ғалла мустақиллиги учун* *Ҳосил-95*

# ҲАМ ЎРИМ, ҲАМ СИНОВ

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани деҳқонлари, хусусан Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси ғаллакорлари биринчилардан бўлиб ўримни бошлаб юборган эдилар.

— Бу йилги мавсум ўзига хос хусусиятга эга, — дейди уруғлик ғалла етиштиришга ихтисослашган агрофирма раиси Геннадий Ким, — бу ерда гап фақатгина ҳар қачонгидан ҳам мўл ғалла етиштирганлигимизда эмас, муҳими шундаки, биз сифатли уруғлик олишга астойдил бел боғлаганмиз. Биз етиштириб берадиган буғдойнинг элита уруғликлари билан бошқа хўжаликлар ҳам таъминланадилар. Бу вазифани шараф билан уддалашга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Ғаллазорларни айланган, деҳқонларнинг иши билан танишган киши ҳақиқатан ҳам бу ерда ҳамма тадбирлар рисоладагидек амалга оширилаётганлиги, уюшқоқлик, масъулият ишнинг асосий мезони эканлигини билиб олади.

Ҳосил ҳақиқатан ҳам мўл бўлган. Ҳамманинг диққат-эътибори эса уни тез ва соз, нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган. Бунинг учун асос бор. Барча имкониятлар ишга солинмоқда. Корпорацияда чет элда ва ўзимизда ишлаб чиқарилган энг сўнгги нусхадаги замонавий техникалар синаб кўрилаётганлиги ҳам ғаллакорларга юксак ишонч билдирилганлигидан далолатдир. Бу машиналарни синаш ва ишлатиб кўриш жараёнини республика машина-синаш станцияси мутахассислари ҳам кузатиб, назорат қилиб бормоқдалар. Ана шу ташкилот вакили, бўлим бошлиғи А. А. Идрисовнинг гувоҳлик беришича, корпорация далаларида Американинг «Кейс» фирмасига мансуб ўрим техникасининг уч модели синаб кўрилмоқда. Биринчи иккиликка кажавали ўрим техникаси киради. Бу техниканинг қамров кенглиги 4,6 метрни ташкил этади. Улар тракторлар билан биргаликда ишлайди. Бизнинг мутахассисларимиз ТТЗ-60-20 Тошкент тракторидан фойдаланишни тавсия этганлар.

Бошқа ўрим техникаси махсус ток ўтказгич қурилмасига тиркаб ишлатилади.

Бу агрегатлар далаларда қандай ишлаяпти?

Дастлабки натижалар хориждан келтирилган техникада ҳам, ўзимизда ишлаб чиқарилган техникада ҳам яхши ижобий томонлари билан бирга, камчиликлар ҳам йўқ эмаслигини кўрсатяпти. Зотан, бу техникаларни бевосита далада ишлатиб, синовдан ўтказишдан мақсад ҳам шу-да! Яхши томонлари нима-ю, қандай камчиликлар бор? Охир оқибатда республикамиз учун қайси техникани сотиб олиш, қайси трактордан фойдаланиш ҳақида тўхтамга келинади.

— Муҳими шундаки, — дейди А. Идрисов, — синов аниқ режа билан ўз вақтида ўтказиляпти, бу ишда узилишларга йўл қўйилмаяпти. Халқ корпорацияси меҳнаткашлари машина-синаш станциясининг барча тавсияларини аъло даражада бажармоқдалар. Бераётган ёрдамлари, қўллаб-қувватлаётганликлари учун деҳқонлардан ғоят миннатдормиз. Улар самарали меҳнат қилмоқдалар. 650 гектар ерда дон етиштирдилар. Ҳар гектаридан 42 центнердан ғалла олишни мўлжаллаяптилар. Бу мақсадга, албатта, эришадилар.



Халқ корпорацияси ғаллазорларида ўрим-йиғим пайти.

Бунинг учун хўжаликда барча имконият бор. Корпорациянинг 4-участкасидаги Абдусамад Бойжигитов бошлиқ звено далаларида, айниқса, мўл ҳосил етиштирилган. Ваҳоланки бу звено деҳқонлари биринчи марта бошоқли дон экиб, ўстирдилар.

— Мўл ҳосил тўплаш осон бўлмади. Тажрибакорлар билан маслаҳатлашдик. Мутахассисларнинг маслаҳатларига қатъий амал қилдик, — дейди Бойжигитов, — бизга агрофирма раҳбарлари, айниқса, катта ёрдам бердилар. Ҳар гектаридан олинадиган ҳосил 45 центнердан кам бўлмайди.

Звенога ҳаммаси бўлиб 32 гектар майдон бириктилган. Механизатор Мирвали Охунжонов бу майдондаги ҳосилни қисқа вақтда ўриб-йиғиб, янчиб беришга аҳд қилган.

Мирсоат Мамарасулов бошлиқ бригада деҳқонлари ҳам ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Бу жамоага 140 гектар буғдойзор бириктилган бўлиб, улар ҳар гектаридан 35-40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Тоир Шораҳмедов бригадаси деҳқонлари ҳам юксак маррани кўзлаб иш олиб бораяптилар. Умуман, хўжалик бўйича ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Корпорация бўйича ғалла ўрим-йиғими ишларини 20 иш кунида тугаллаш учун барча чора ва тадбирлар кўрилаётир. Далаларда 5 та комбайн узлуксиз ишлаб турипти. Тўғри, бу техникалар етарли эмас. Бунинг устига кўплари эскириб қолган. Лекин, механизаторлар ўз тажрибаларини ишга солмоқдалар. Ҳар бир қулай фурсатдан самарали фойдаланмоқдалар.

Корпорация буғдойзорларида етиштирилган мўл ҳосилни ўриб олиш ҳам, янги техникаларни иш жараёнида синаб кўриш ишлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**О. АЛЬКО.**



Ижарачи Абдусамат Бойжигитов (чапдан ўнгга), комбайнчи Мирвали Охунжонов, агрофирма раҳбари Ким Геннадийлар ўзаро мулоқотда.

**А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.**

## ВАҚТИДА САРАНЖОМЛАШМОҚЧИ

НОННИНГ қанчалик муқаддас эканини, ушоғини ҳам увол қилмасликни ота-боболаримиз доим насиҳат қилиб келишган. Ҳар куни истеъмол қиладиган, ҳеч қачон меъдамизга тегмайдиган бу неъматнинг нон бўлиб дастурхонимизга етиб келгунча бўлган меҳнат жараёни ҳақида кўп гапиришади. Ҳақиқатан ҳам бобо деҳқонларимиз меҳнати эъзозга лойиқ.

Шу кунларда «олтин бошоқ» далаларида иш қизғин. Ғаллакорларимизнинг мақсади битта — пешона тери билан етиштирилган ҳосилни қисқа вақтда нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишдир. Бу борада барча ерда бўлгани каби Зангиота туманида ҳам мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Туман таъминот ва таъмирлаш корхонаси идораси биносига бугун ҳокимият масъул ходимлари, агрофирма мутахассисларидан иборат штаб жойлашган. Унинг мақсади ғалла ўримида иштирок этаётганларга ёрдам кўрсатиш, комбайнларга ёнилғи-мойлаш материаллари ва зарур эҳтиёт қисмлар етказиб беришдан иборат.

Туман ҳокими Ҳ. Нурматов бошчилигидаги штаб икки ойдан бери ишлаб турибди. 22 та комбайн ўримга тахт. «Тўқимачи», «Туркистон», «Зангиота», «Иттифоқ» жамоа хўжаликларига ҳадемай қўшни Қозоғистондан бир неча комбайн ҳашарга етиб келади.

Айрим хўжаликларда ҳозирдаёқ ғалла ўрила бошланди. А. Икромов номли фермерлар уюшмасида 17 гектарлик арпа ўриб-янчиб олинди. «Тошкент» давлат хўжалигида арпа ўримига киришилди. Ҳар гектар ердан 35—40 центнердан ҳосил олиш мўлжалланган. 2,5 минг тонна дон давлатга келишилган нархда, 1100 тоннаси эса эркин нархда сотилади.

— Мақсадимиз ҳосилни 10—12 кун ичида ўриб-йиғиб олиш, — дейди Зангиота агрофирмаси раисининг муовини Зоиржон Ниёзов. — Комбайнларни уч сменада ишлатиш чораларини кўриб қўйдик. 20—30 фоиз ерда ётиб қолган ғаллани қўлда ўриб оламиз.

Хўжаликларда 3—4 маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Мусобақа шартлари ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳар 5 кунда якунлаб борилади, ғолиблар туман ҳокимлиги, туман касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан мунтазам тақдирланади.

**М. ОБИДОВА.**

*Вилоят ҳокимлигида*

# ШИОРЛАРИ: ИНСОНИЙЛИК ВА МЕҲР-ШАФҚАТ

ТОШКЕНТ вилоят Қизил ярим ой жамиятининг XXII ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, жамиятнинг шаҳар ва туман бошланғич ташкилотлари раислари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, вилоятдаги қатор хайрия жамғармалари раислари ва бошқа мутасаддилар иштирок этдилар.

— Вилоят Қизил ярим ой жамияти охирги конференциясидан буён уч йил ўтди, — деди конференцияда ҳисобот маърузасини қилган вилоят Қизил ярим ой жамияти қўмитаси раиси Ф. Латипова. — Бу орада бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг энг ночор қисмини, ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат ногиронлари, кўп болали кам таъминланган оилалар, талабаларни ижтимоий ҳимоялаш Президентимиз, ҳукуматимизнинг эътибор марказида бўлмоқда. Албатта, вилоят Қизил ярим ой жамияти қўмитаси ҳам бундай олижаноб, инсонпарварлик ишлардан четда турмади. Хусусан, ҳисобот даврида 91 нафар тиббий ва 35 нафар кичик меҳр-шафқат ҳамширалари бу ишга жалб қилинди. 1589 нафар ишга яроқсиз ёлғиз қариялар, 319 нафар уруш ва меҳнат ногиронлари, 268 нафар кўп болали, кам таъминланган оилалар унинг хизматидан баҳраманд бўлмоқдалар. Ўтказилаётган турли хайрия тадбирларига ҳомийлик қилиб ўз саховатларини дариғ тутмаётган қатор саноат корхоналари, ташкилотлар, хўжаликлар, ширкатлар жамоаларининг ҳимматлари таҳсинга сазовордир.

Лекин бугунги кунда Зангиота, Қуйичирчиқ, Тошкент ва Чиноз туманларида жамиятнинг бошланғич ташкилотлари муносиб тарзда фаолият кўрсатмаётганликлари ачинарлидир.

Йиғилишда сўзга чиққанлар жамиятнинг фаолиятини янада жонлантириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Ф. Латипова қайтадан вилоят Қизил ярим ой жамияти қўмитаси раиси қилиб сайланди.

**З. ЖЎРАЕВА.**

# ЖИНОЯТ ҲАМ БИР ИЛЛАТКИ...

***Жиноятчиликка қарши курашнинг самарали йўли — жиноят олдини олишдан иборат. Хўш, бу соҳада вилоятда аҳвол қандай? Жиноятни келтириб чиқараётган сабабларни тугатиш учун нималар қилиняпти? Илгари хабар берганимиздек ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва прокуратура ходимларининг вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишида ана шу муҳим масалалар атрофлича муҳокама қилинди.***

— Жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш натижаси энг аввало иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонунлар ижросини тўла таъминлаш, омманинг фаоллигини ошириш, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришини янада кучайтиришга боғлиқ,— деб қайд қилди ўз маърузасида вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У. З. Иномжонов. Нотиқ шу йўналишда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлиги сабабли йилнинг ўтган даврида жиноятларнинг ижтимоий хавфли турлари — талончилик, босқинчилик, безорилик нисбатан камайганлигини мисоллар билан асослар экан, айни пайтда мавжуд имкониятлардан изчил фойдаланилмаётганлигини ҳам таъкидлади. Иқтисодиёт билан боғлиқ қонунлар ижросида айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, мулкни ўзлаштириш, порахўрлик бирмунча кўпайишига олиб келди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини жамоатчилик ташкилотлари, маҳалла ва оилалардаги ташкилий-тарбиявий ишлар билан узвий боғлаб олиб боришгина ижобий натижалар бериши мумкин эканлиги алоҳида таъкидланди. Йилнинг ўтган ойларида ўсмирлар ўртасида содир бўлган, шунингдек такрорий жиноятлар сони ҳали ҳам юқори даражада эканлиги бу борада ҳамон суст иш олиб борилаётганлигини кўрсатади. Айниқса, маст ҳолда жиноят содир қилиш кўпайди. Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари, Бўка, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида маҳалла қўмиталари, ёшлар билан ишлаш бўйича қўмиталар, хотин-қизлар кенгашлари, ички ишлар бўлимлари ичкиликбозликка қарши курашни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Шу сабабли бу худудларда кейинги ойларда жиноятлар сони анча ошди. Олмалиқ шаҳрида эса ўтган йили мастлик орқали 21 та қотиллик рўй берди. Ория́т, меҳр-оқибат, ҳалоллик каби азалий қадриятлар тикланаётган ҳозирги пайтда маҳалла ва жамоатчиликнинг ичкиликбозларга нисбатан муросасизлигини кучайтириш зарур.

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия, инспекция ва қўмиталарнинг фаолияти ҳам шу кун талабларига мос эмас. Чирчиқ, Янгийўл, Янгиобод, Оҳангарон шаҳарларида, Ўртачирчиқ туманида вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг кўпайиб бораётгани ана шу ташкилотлар ва комиссиялар аъзоларини ташвишлантирмаётир. Жиноятчи ўсмирларнинг аксарият қисми эса бекорчилардир. Шундай бир даврда ҳокимликлар қошидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланадиган комиссияларда иш ўринларининг қисқартирилгани ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатяпти.

Йиғилишда ўқувчилар ўртасида содир этилаётган жиноятнинг олдини олишга эътибор сусайганлиги, болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини банд қилиш, тарбиявий ишлар олиб бориш ҳақида ғамхўрлик қилинмаётгани сабаблари очиқ-ойдин айтилди. Бу борада Тошкент туманида қарор топган маҳалланинг обрўли фаолларидан жамоатчи тарбиячилар белгилаш каби ибратли тажрибаларни барча худудларда жорий қилиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси, унинг қуйи тизимлари фаолиятини кучайтириш кераклиги айтилди. Негаки, ишсизларни, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш учун зарур даражада фаолият кўрсатилмаяпти. Вилоятда ҳар йили мактабларни битирган йигит ва қизларнинг кўпчилиги ишсиз қолиб кетмоқда.

Вилоят ИИБ маъмуриятидан шаҳар, туман ички ишлар бўлимларининг вояга етмаганлар билан ишловчи инспекциялари фаолиятини ҳам тубдан яхшилаш талаб қилинди. Зеро болалар билан жиддий тарбиявий иш олиб борилмаётганлиги сабабли ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари кўпайиб боряпти.

Ҳар қандай дарднинг энг яхши давоси унинг олдини олиш. Жиноят шундай бир иллатки, унинг олдини олиш учун бу иш билан фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларигина шуғулланиб қолмай, унга кенг жамоатчиликни ҳам жалб қилмоқ лозим. Маориф, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, маҳалла қўмиталарининг тарбиявий имкониятлари ва таъсир кучидан самарали фойдаланиш зарур. Йиғилиш қатнашчиларининг таклиф ва мулоҳазалари ана шундай бўлди.

Дарҳақиқат, жамоатчилик — катта куч. Унга суянган ва доимий ҳамкорликда иш олиб борган сира ютқазмайди. Буни йиллар давомида орттирилган бой тажриба тўла тасдиқламоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар, етилган муаммоларни ҳал этиш, йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклатилди.

**Р. ҚОДИРОВ.**

*Болаларга ғамхўрлик — виждон иши*

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ДАМ ОЛИШЯПТИ?

**Ўзбекистон телевидениеси, «Тошкент ҳақиқати» газетаси, вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ҳамкорликдаги текшируви**

***Республика Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий ривожланиш, фан, маданият ва техника мажмуалари, шунингдек, туризмни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашининг яқинда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказиш ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Вилоятимиз болалар оромгоҳларида фарзандларимизнинг дам олиш мавсуми бошланиб кетди. Уларда аҳвол қандай? Қуйида шу мавзудаги текширув материалини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

«Сумча» болаларни соғломлаштириш оромгоҳи Паркент тоғли ҳудудининг энг сўлим масканларидан бирига жойлашган. 8 гектар ерни эгаллаган бу оромгоҳ ёзда болаларнинг энг яхши ҳордиқ чиқарадиган севимли масканларидан бири бўлади.

Яшаш павильонлари тоғ бағрида жойлашган сўлим манзилгоҳ қиёфаси ўзгача гўзаллик бахш этади. Оромгоҳ ичидаги соя-салқин хиёбонлар гоҳ мевали, гоҳ манзарали дарахтзорларни кесиб ўтади. Спорт майдончаси болалар билан доим гавжум бўлади. Бундан ташқари, иккита чўмилиш ҳавзаси бор.

— Ўғил ва қизларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари йўлида қатор режалар тузилган, — дейди оромгоҳнинг катта тарбиячиси Раиса Бекмуҳамедова. — Ўзбекистон Герби, Байроғи бўйича суҳбатлар ташкил этилади, «Она Ватаним» савол-жавоб, «Зukkолар ва топқирлар» кечалари, ашула ва рақс танловлари, спорт мусобақалари, яна қатор бошқа шундай тадбирлар белгиланган. Бир неча тўгараклар ишламоқда, уларнинг раҳбарлари ишни болаларнинг қизиқишлари асосида ташкил этмоқдалар.

Ўзбекистон жамоа хўжаликлариаро қурилиш ташкилотига қарашли ушбу оромгоҳга экологик қийин бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмдан юзлаб ўғил-қизлар ҳам дам олгани келадилар.

Ҳозир биринчи навбатда Хоразмдан келган 120 нафар ўғил-қиз тоғ бағридаги гўзал бу масканда ҳордиқ чиқармоқда.

Паркент тумани хўжаликлараро «Бойчечак» соғломлаштириш оромгоҳи ҳам гўзал табиат қўйнида жойлашган. Бу ерда ташкилий-тарбиявий ишлар ҳам кўнгилдагидек олиб борилади. «Бойчечак» ўзига хос тажриба ва анъаналарга эга. 320 ўринли бу оромгоҳ ҳар доим ўғил-қизлар билан гавжум бўлади.

«Бойчечак» ўтган йили ҳудуд бўйича ўтказилган маданий тадбирлар танлови ва спорт мусобақаларида уччала навбатда ҳам ғолибликни қўлга киритган эди. Жамоа бу йил ҳам шу пешқадамликни сақлаб қолиш ниятида.

Оромгоҳда моҳир қўллар, ёш табиатшунослар, рассомчилик, мусиқа, спортнинг турли хиллари бўйича тўгараклар ишлаб турипти. Кунора кинофильмлар намойиш этилмоқда. Мазкур муассасада тарбиявий, маданий ишларга катта эътибор берилади.

Ҳозирги иқтисодий қийин шароитни ҳисобга олиб мазкур муассаса жамоаси кучи билан бир қатор экинлар экилди. Мақсад харажатларни камайтириш, мева-чева, сабзавотларни оромгоҳда етиштириб, тўғри дастурхонга узатишдир. Бу йил помидор, кўклардан тортиб супургигача экилди. Иккинчи навбатдан бошлаб мевалар пиша бошлайди. Баҳорда яна минг тупга яқин мевали дарахт кўчатлари экилди.

Мазкур оромгоҳ ҳақиқатан вилоятдаги энг яхши болаларнинг ёзги соғломлаштириш масканларидан биридир. Бу, шубҳасиз, туман ҳокимлигининг соғлом авлод учун ишига катта эътибори натижаси бўлса, иккинчи томондан туман деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг саъй-ҳаракатлари шарофатидир.

Айни вақтда шуни ҳам афсусланиб таъкидлаш керакки, вилоятдаги деҳқончилик-саноат мажмуи туман қўмиталари балансидаги бир қатор жамоа хўжаликлариаро болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари очилмай қолаяпти. Бунга асосий сабаб моддий қийинчилик бўлмоқда. Кўпгина жамоа хўжаликларининг ҳисобида етарли пул йўқ.

— Биз бундай шароитда бошқача йўл тутдик, — дейди Паркент тумани деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Топил Холтоев. — Хўжаликлар раҳбарларига пул етишмас экан озиқ-овқатлар, таъмирлаш материаллари билан ёрдам беринглар, ким нимага қодир бўлса ўшани берсин дедик. Бу уларга ҳам маъқул бўлди.

Ҳа, замон зайлига мослаб қилинган ташаббус яхши натижа бераяпти. Ҳар бир жамоа хўжалиги килограмми 25 сўмдан 300 килограммдан гўшт ажратадиган бўлди. «Гулбоғ» жамоа хўжалиги 5 тонна, «Бўстон» жамоа хўжалиги 2 тонна ун берди. «Паркент»ликлар омборларидан 200 килограмм макарон, 100 килограмм чой, 100 килограмм нўхот жўнатишди. «Чанги» хўжалиги қурилиш бригадаси деярли барча таъмирлаш ишларини бўйнига олди. Хўжаликлар қўшган ҳиссаларига қараб соғломлаштириш оромгоҳига йўлланмалар бериладиган бўлди.

Оромгоҳ жамоасининг яна бир иши диққатга сазовордир. Ҳисоблаб чиқилса бир кунда 105 килограмм нон керак экан. Дўкондан сотиб олинса, бу 1050 сўмга тушади. Агар хўжаликлардан олинган буғдойдан ўзлари нон ёпсалар шу пулнинг ярми тежалар, унинг устига бензин, машина, турли оворагарчиликлардан халос бўлинади. Ҳар куни овқатлантиришга тандирдан янги чиққан иссиқ нон тортиляпти. Умуман эса оромгоҳда олти марта овқатланиш ташкил этилган.

Бу йил ҳам болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш анча оғир кўчди. Айни мавсумда вилоятда йигирмага яқин оромгоҳ ишлайди. Уларни мавсумга шайлаш жуда катта меҳнат ва сафарбарлик ишлари билан боғлиқ бўлади. Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят Касаба уюшмалари кенгашининг бу муҳим ишдаги ҳамкорлиги туфайлигина шундай имкон яратилди.

Болаларнинг ёзги дам олиш ва соғломлаштиришни ташкил этиш ҳамда ўтказиш юзасидан катта тадбирлар режаси тузилди. Унинг амалга ошишини назорат қилувчи махсус комиссия ташкил этилди. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳамкорликда оромгоҳни очишга қийналаётган ташкилотлар билан таҳлиллар ўтказдилар ва уларга амалий ёрдам кўрсатдилар.

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ва уни ўтказишга вилоятдаги қатор бошқа бошқармалар, ташкилотлар ҳам жалб этилди ва улар бу ишга ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар. Чунончи, вилоят давлат автомобиль назорати ходимлари ўғил-қизларни оромгоҳларига бехатар кузатиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ҳисобларидан сарфлашларини билдирдилар. Тиббиёт ходимлари ҳам кўп хизматларни бепул бажаришга қарор қилдилар. Вилоят фуқароларни ташиш автомобиль концерни жамоаси энг кам тариф ҳажмида ҳақ олишга розилик берди. Касаба уюшмалари, хўжаликлар йўлланмалар нархини арзон қилиш мақсадида қўшимча маблағлар ажратдилар. Бундай савобли ишлар туфайли йўлланмалар қиймати бироз арзонлашди. Ҳозир ҳар бир йўлланманинг қиймати ўртача 2—2,5 минг сўм атрофида бўлмоқда. Бу харажатнинг ярмини оромгоҳ эгаси бўлган хўжалик, ташкилот тўласа, ярим харажатни касаба уюшмалари кўтаради. Ота-оналар умумий харажатнинг 10 фоизини тўлайдилар, яъни у 200—250 сўмни ташкил этади.

Ҳозирги иқтисодий шароит қанчалик оғир бўлмасин келажагимиз эгалари — фарзандларимизнинг барча шарт-шароитлари муҳайё қилинган оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма имкониятлар ишга солинаверади.

**Б. ПУЛАТОВ,**
**вилоят касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири, «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**
**Н. НАЖМИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон телевидениесининг катта мухбири.**

# ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН

**Оромгоҳлар асосан тоғлик ҳудудларда жойлашганлиги сабабли уларга қўйиладиган давлат ёнғин назорати талаблари ўзгача бўлади**

Тошкент вилоятида юздан ортиқ болалар дам олиш оромгоҳлари мавжуд. Шундан 60 фоиз қисми Бўстонлиқ туманининг Хондойлиқ, Сойлиқ, Чимён, Юсупхона ва Хумсон қишлоқларида жойлашган. Бундан ташқари Паркент ва Оҳангарон туманларида ҳам бир қанча оромгоҳлар бор. Ҳар йилгидек, ушбу оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш мақсадида ҳозирлик ишлари олиб борилиши лозим.

Шуни айтиш керакки, тоғлик туманларга ўт ўчириш техникаси етиб бориши анча мушкул. Оддий шароитда 5-10 минутда етиб бориладиган жойга ярим-бир соат юришга тўғри келади. Шундай экан, оромгоҳлар иложи борича ўт ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланган бўлиши зарур.

Авваламбор, ёнғинни ўчиришдан, унинг олдини олиш осон. Демак, оромгоҳлар учун чиқарилган қоидаларга тўла риоя қилиниши керак. Шуни ҳам айтиш жоизки, оромгоҳларнинг болаларни қабул қилишга тайёрлигини ҳокимият томонидан тузилган комиссиялар аниқлайди. Комиссия таркибида, албатта, давлат ёнғин назоратидан вакиллар ҳам бўлиши керак. Оромгоҳ ҳар томонлама тайёр бўлганидан кейингина болалар у ерларга жойлаштирилади.

Афсуски, кўпчилик оромгоҳларни қабул қилиш жараёнида одатда анча-мунча камчиликлар учраб туради. Масалан, болалар турадиган уйлар тез ёнадиган материаллардан қурилган бўлади. Устига-устак махсус суюқлик пуркалмаган, ёнғин тўғрисида маълумот берувчи сигнализация ишга яроқсиз, вақтинчалик ўтказилган электр симлари олиб ташланмаган, бирламчи ўт ўчириш анжомлари йўқ.

Хусусан, Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқариш комбинатига қарашли «Крутие горки» ва ТОМРЭЗга қарашли оромгоҳларда юқорида қайд этилган камчиликлардан ташқари телефон ўрнатилмаган. 160-қурилиш трестига қарашли Островский номли, Алоқа вазирлигига қарашли «Чимган», Олмалиқ-кимё заводига қарашли болалар дам олиш оромгоҳларида бир неча йилдан бери давлат ёнғин назорати берган ёзма кўрсатмалар бажарилмаяпти. Ҳозир ҳам бу ерда ёнғиндан хабар берувчи мосламалар ишламайди,. чақмоқ тутгичлар ўрнатилмаган, бино ёғочларига ёнғиндан сақловчи кимёвий моддалар шимдирилмаган.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, оромгоҳлардаги ҳар бир павильонда қутқариш йўллари ҳар доим очиқ бўлиши, эшиклари мих ёки қулф билан беркитмаслиги лозим. Ёнғинни ўчиришда ишлатиладиган сув ҳавзалари ҳамиша тўлатиб қўйилиши, лагер хизматчиларидан тунги навбатчилик ташкил этиб, уларни қўл электр чироқлари билан таъминлаш айниқса муҳимдир. Болалар оромгоҳларида гулхан ёқиш анъана бўлиб қолган. Бироқ бу тадбир маҳаллий ёнғинни назорат қилиш бўлинмалари билан келишилган ҳолда ўтказилиши, гулхан ёқиладиган майдонларни эса камида 100 метр узоқликда танлаш жоиз. Болаларимизнинг янги ўқув йилига соғ-саломат ва бақувват бўлиб қайтишларини истасак, юқорида қайд этилган ёнғин хавфини бартараф этиши қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши шарт.

**Н. ЁДГОРОВ,**
**вилоят ЁСБ давлат ёнғин назорати бўлими муҳандиси, ички хизмат майори.**

